

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ ҲАМИДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ПАРААРТИКУЛЯР ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ГИПОТИРЕОЗ ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ  
(Экспериментал-морфологик тадқиқот)**

**14.00.02 - Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

## Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

## Content of the Doctoral (DSc) abstract

<b>Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич</b> Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларининг морфофункционал тавсифи.....	3
<b>Расулов Ҳамидулла Абдуллаевич</b> Морфофункциональная характеристика формирования и изменения параартикулярных структур под влиянием гипотиреоза .....	27
<b>Rasulov Khamidulla Abdullaevich</b> Morphofunctional characteristic of the formation and change of paraarticular structures under the influence of hypothyroidism.....	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	55

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАСУЛОВ ҲАМИДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ**

**ПАРААРТИКУЛЯР ТУЗИЛМАЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА  
ГИПОТИРЕОЗ ТАЪСИРИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ  
МОРФОФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ  
(Экспериментал-морфологик тадқиқот)**

**14.00.02 - Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.DSc/Tib188 рақами билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали(www.zionet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Миршарапов Уткур Миршарапович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ахмедов Шавкат Махмудович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Исроилов Ражаббой**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси мажлислар зали. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru

Докторлик диссертация(DSc) билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**Н.Ж.Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Р.Ж.Усманов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Таянч-ҳаракат тизими (ТХТ) патологиялари болалик даврида 21% атрофида кузатилса, ўсмирлик даврига келиб 80-95% ни ташкил этади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра «...таянч-ҳаракат тизимининг касалликлари билан дунё аҳолисининг 75% и азият чекади...»<sup>1</sup>. Ушбу эпидемик ҳолат узок йиллардан буён соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида турлича сабабларга боғлаб ўрганиляпти. Айрим олимлар таянч ҳаракат тизими касалликларини «...хомиланинг аномал тараққиётига, бошқалари эса ирсий мойиллик, яна бир гуруҳ тадқиқотчилар экология ва ҳаёт тарзи билан боғлайдилар...»<sup>2</sup>. Бу эса, шубҳасиз, «...ривожланаётган организмга ва кейинчалик унинг илк болалик даврларида салбий таъсир кўрсатиши қатор олимларнинг ишларида қайд этилган...»<sup>3</sup>. Юқоридагиларни инобатга олиб, гипотиреоз касаллигини олдини олишга қаратилган чоратadbирларни ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларини морфофункционал тавсифлаш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, параартикуляр тузилмаларнинг экспериментал гипотиреоз чақирилган каламушларда кузатувнинг турли муддатларида морфологик ўзгаришларини ҳамда тажрибада параартикуляр элементлар тузилишидаги ўзгаришлари даражаси ва бу ўзгаришларнинг суяк апофизда морфологик намоён бўлишини баҳолашни илмий асослаш зарурияти юзага келмоқда. Коррекция қилинган гипотиреоз шароитида параартикуляр тузилмаларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларни таҳлил қилиш ва бўғим атрофидаги мушак, пай, тоғай, суяк ва суяк усти пардалари хужайравий таркибининг оёқларни тўғри шаклланиши жараёнидаги аҳамиятини баҳолаш ҳамда таянч-ҳаракат тизими шаклланиши ва параартикуляр тузилмалар морфологик ўзгаришлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантиришда тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш билан бир қаторда болалар орасида турли локомотор касалликлар ривожланиши ва тарқалишини камайтириш, болалар орасида диспластик деформация кузатилган беморларни ажратиш ва улардаги нуқсонларни бартараф этиш зарур муаммолардан биридир. Бу борада «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек,

<sup>1</sup> ЖССТ маълумотлари, 2017

<sup>2</sup> Galli M.M., et all. Ankle valgus after hindfoot arthrodesis: a radiographic and chart comparison of the medial double and triple arthrodesis // J Foot Ankle Surg. 2014 Jan-Feb;53(1):55-58;

<sup>3</sup> Морфологическая характеристика дисплазии тазобедренного сустава при дисфункции щитовидной железы матери / Исмаилов С. И., Ходжаев Р. Р., Джалилов А. П., Расулов Х. А., Джалилова Ш. П. //Проблемы остеологии. –Киев, 2004. - № 3-4. - С. 109-111.

тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>4</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан болалар орасида ТХТ тизимининг аномалияларининг олдини олиш ва самарали даволаш тизимини яратиш, гипотиреоз ҳолатини ўз вақтида ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришни такомиллаштириш орқали касаллик оқибатида юзага келадиган ривожланиш аномалияларининг асоратларини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида»ги ҳамда 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018-2022 йилларда болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи**<sup>5</sup>. Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Colorado State University, University of Rochester Medical Center, University of California, Harvard University, Sinai Medical Center, Department of Environment and Health, Rollins School of Public Health at Emory University (США), University of Edinburgh (Англия), University of Pavia (Италия), University of Murcia (Испания), Pukong National University (Корея), Punjab Agricultural University (Ҳиндистон), Россия Фанлар академияси Сибирь бўлими (Россия), Санкт-

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони. Lex.uz.

<sup>5</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.ncbi.nlm.gov/pubmed](http://www.ncbi.nlm.gov/pubmed); <http://www.rsl.ru>; <http://www.biomedcentral.com>. ва бошқа сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

Петербургда ва Қозон илмий тадқиқот институтлари ҳамда Тошкент тиббиёт академияси, шунингдек, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифини такомиллаштириш ва олдини олиш мақсадида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: қалқонсимон без функционал фаоллигининг пасайиши, эндемик токсик буқоқ, тугунчали аутоиммун тиреоидитларни самарали даволашда антиоксидантларнинг ижобий хусусиятлари исботланган (University of Alberta, АҚШ); хомиладор каламушлар организмида хомиладорлик вақтида организмнинг йодга бўлган эҳтиёжининг икки хисса ортиши туфайли, ундаги гипотиреознинг хомила тараққиётида бир қатор компенсатор-мослашув ўзгаришларига олиб келиши, бу эса она ва хомила ўртасида махсус тўқималараро боғлиқлик борлигини кўрсатиши исботланган (University Colorado, АҚШ); экологик ифлослантирувчи моддаларнинг ирсият орқали ўтувчи ва турли касалликларга мойилликнинг ортишига кўмаклашувчи эпигенетик бузилишларни келтириб чиқариш хусусияти ёритиб берилган (University of Milan (Италия), Universitat de València (Испания), University of Illinois at Chicago (АҚШ), University of Turku (Финляндия), Ghent University (Бельгия); қалқонсимон без ўсма касалликлари, аутоиммун тиреоидитлар ҳамда гипертиреоз оқибатида чакка-пастки жағ бўғимининг ривожланиш нуқсонлари аниқланган (Қозон тиббиёт университети, Россия); гипотиреозда беморлар бир қатор аъзоларидаги метаболик ўзгаришларни аниқлашнинг замонавий усуллари ишлаб чиқилган (Узоқ Шарқ тиббиёт университети, Россия); эндокрин патологиялар суякланиш жараёнларининг секинлашишига олиб келиши аниқланган (University of Pennsylvania, АҚШ); хомиладор она ва бола организмида асосий микроэлементлардан бири йод етишмаслигининг салбий таъсири механизми исботланган (Jagiellonian University, Польша); гипотиреознинг бош мия тараққиётига салбий таъсири исботланган (Pukong National University (Корея); Punjab Agricultural University (Индия); параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифини такомиллаштирилган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Ўзбекистон).

Дунёдаги параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифи бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: она қалқонсимон беzi функционал фаоллигининг постнатал даврида патоморфологик таъсир механизмининг олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш; гипотериоз билан хасталанган оналардан туғилган авлодда таянч ҳаракат тизими толали тузилмаларидаги патоморфологик ўзгаришлар хусусиятларини асослаш; «она-хомила-авлод тизими» морфологик ва физиологик хусусиятларини асослаш; хомиладорлик давридаги она ва постнатал онтогенез давларидаги авлод организмларининг физиологик ва патологик ҳолатларида тўқималар ва аъзолараро боғлиқликни асослаш; она ва бола ҳаёти сифатини яхшилашга қартилган ташхислаш, профилактика ва

патогенетик даволаш чора-тадбирларига услубий ёндашувни эътиборга олган ҳолда такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Узоқ хориж (Bassett J.H., et all 2010; Cardoso L.F., Maciel L.M., de Paula F.J., 2014; Javed Z, Sathyapalan T.2016; Junguee Lee., et all 2016) ва яқин хориж (Родзаевская Е.Б., 2002; Труш В.В., Соболев В.И., 2003; Nikishin D.V., 2010; Оганян А.В., 2010; Ночевная Л.Б., Павленко О.А., Калинина О.Ю., Столяров В.А., 2011; Мехоношин Е.П., 2012; Камилов Ф.Х., ва бошқ, 2018) олимлари илмий адабиётлари шарҳининг кўрсатишича, гипотиреоз мавжуд оналардан туғилган авлодларнинг ўлик туғилиши, ривожланиш аномалиялари ва туғма патологиялари этиологияси ҳамда таянч ҳаракат тизими шикастланишининг патоморфологик моҳияти ҳозиргача аниқ ўрганилмаган. Афсуски, чоп этилган манбалар авлоднинг ўсиши ва ривожланишига онадаги гипотиреознинг таъсири ҳақида тўлиқ маълумотлар бермайди. Постнатал онтогенезнинг турли даврларида таянч ҳаракат тизими параартикуляр тузилмаларининг динамикада морфологик ривожланиши, гипотиреоз таъсирида пай-апофиз тузилмаларнинг ёш даврларидаги шаклланиш механизмлари, ҳомиладорлик даврида гипотиреоз ҳолатининг коррекция қилиниши фонида тараққий этган авлодда бойлам, пай ва апофизларнинг постнатал ривожланиш динамикаси ҳақида асосланган тассавурлар йўқ. Йод етишмаслиги ҳолатини ҳомиладорликда қоплаб турувчи фармакологик коррекция қилишнинг бола таянч ҳаракат тизими постнатал ривожланиши ва шаклланишига таъсири аҳамияти ҳам маълум эмас. Тиббиётнинг бу долзарб муаммоларини ўрганиш, шубҳасиз, катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда таянч ҳаракат тизими туғма ривожланиш нуқсонларининг морфологик кўрсаткичларини баҳолашда қатор муаллифлар иш олиб боришган (Рахимов К.Р., Кучкарова Л.С., 2001; Исмаилов С. И., Ходжаев Р. Р., Джалилов А. П., 2004; Ахмедов Ш.М., 2016; Миршаропов У.М., Мирзамухамедов О.Х., Ахмедова С.М., 2018), бироқ параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифи ўрганилмаган.

Таъкидлашимиз жоизки, режалаштирилган тадқиқот иши ташхислаш-даволаш стандартларини такомиллаштириш, ишлаб чиқиш ва клиник амалиётга татбиқ этишга бағишланади. Бугунги кунда параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги морфофункционал ўзгаришларни эрта ташхислаш ва бартараф этишга қаратилган профилактик тадбирларни такомиллаштириш тизими яратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий ишлари режаси № 01980006703 «Таянч ҳаракат тизимининг постнатал тараққиётига гормонал омиллар таъсирининг структур асослари ва механизмини баҳолашни такомиллаштириш» (2014-2019) мавзуси доирасида бажарилган.



**Тадқиқотнинг мақсади:** постнатал онтогенезнинг эрта даврларида параартикуляр тузилмаларнинг шаклланишини ҳамда гипотиреознинг суяк-юмшоқ тўқима комплекси ташкил топишига таъсирини баҳолашни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

экспериментал гипотиреоз чақирилган каламушларда кузатувнинг турли муддатларида параартикуляр тузилмаларнинг морфологик ўзгаришларини баҳолаш;

тажрибада параартикуляр элементлар тузилишидаги ўзгаришлар даражасини ва бу ўзгаришларнинг суяк апофизда морфологик намоён бўлишини баҳолаш;

гипотиреоз шароити фармакологик коррекция қилинганда параартикуляр тузилмаларнинг морфологик ва морфометрик хусусиятларини таҳлил қилиш;

бўғим атрофидаги мушак, пай, тоғай, суяк ва суяк усти пардалари хужайравий таркибининг оёқларни тўғри шаклланиши жараёнидаги аҳамиятини баҳолаш;

таянч-ҳаракат тизимида туғма ривожланиш нуқсонлари бўлган беморларнинг биопсия материаллари ва тажриба хайвонлари параартикуляр тузилмаларидаги толали тутамларнинг морфометрик кўрсаткичларини солиштирма таҳлил қилиш;

таянч-ҳаракат тизимининг шаклланиши ва параартикуляр тузилмалар морфологик ўзгаришлари орасидаги боғлиқлик алгоритминини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** асосий тадқиқот гуруҳидаги 68 та эксперимент учун танланган лаборатор етук каламушлар ва улардан олинган 324 та ўсувчи авлод ҳамда оёқ соҳаларида туғма ривожланиш нуқсонлари мавжуд бўлган 1 дан 14 ёшгача бўлган 238 нафар бемор (биопсия материаллари) дан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** экспериментал жониворларнинг оёқ бўғим ёндош аъзо ва тўқималари ҳамда оёқларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари мавжуд беморлардан олинган биоптатларда ўтказилган морфологик ва лаборатор тадқиқотлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда макроскопик, гистологик, гистокимёвий, морфометрик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк маротаба гипотиреоз чақирилган она каламушлардан туғилган авлодларда оёқ параартикуляр анатомик тузилмаларининг постнатал шаклланиши хусусиятлари комплекс тарзда морфологик таҳлил қилинган;

экспериментал гипотиреознинг ўсаётган организмнинг мушак пайи-апофиз структураларининг постнатал ўсиши ва шаклланишига салбий таъсир кўрсатиши исботланган;

пайларнинг мукамаллиги коллаген ва эластиннинг ўзаро муносабати, фиброцитлар сонининг камайиши, шунингдек, эндо- ва перитенониум хужайраларнинг дифференциацияланиши ва функционал бузилиши билан бирга кечганлиги, теноцитлар дифференциацияланишининг секинлашиши

натижасида толали компонентлар ўсиш суръатининг орқада қолиши кўринишларида намоён бўлиши исботланган; пай-апофиз комплекси марказини ташкил этувчи фиброз тоғайда аниқланган аналогик ўзгаришлар апофизларнинг якуний шаклланиши жадаллигининг пасайишига, хондроцитлар дифференциацияланишининг бузилиши олиб келиши аниқланган;

гипотиреозид ҳолатида бўғим ёндош аъзоларидаги структур-функционал ўзгаришлар негизида пай ва фиброз тузилмаларда толалар тақсимотининг коллаген томон силжиши ётганлиги аниқланган;

соғлом она каламушлардан олинган соғлом ҳамда гипотиреоз модели яратилган бола каламушларда зич бириктирувчи тўқимадан тузилган структураларнинг суяк апофизларига бирикиш соҳаларининг постнатал ривожланиши ва шаклланишида ўзига хос тафовутлар борлиги исботланган;

соғлом каламушлар болаларида гипотиреоз чақирилганда пай-бойлам тизими толали тузилмалари постнатал ривожланиши суръати бирмунча тормозланади, мукамал пай архитектоникаси, тўлақонли пай-фиброз тоғай бирикмаси ва уларнинг хужайра колониялари параметрларининг камайиши кўрсатилди;

гипотиреоз таъсирида кечган ҳомиладорликдан туғилган авлодда постнатал онтогенезнинг илк даврларида параартикуляр тузилмаларда диспластик морфологик манзараларнинг кузатилиши транзитор гипотиреознинг таъсири сифатида баҳоланиб, унда фиброз тузилмаларда шаклланган ва шаклланмаган бириктирувчи тўқима толали тутамларининг нисбати бузилиши аниқланган;

гипотиреоз чақирилган ҳомиладор каламушларга гормонал статус L-тироксин билан коррекциялаш, она каламуш гипотиреозининг авлодга салбий таъсири даражасининг сезиларли пасайишига ва авлодларда параартикуляр тизим таркибий тузилмалари постнатал ривожланиш ва шаклланиш жараёнларининг мўтадиллашишига олиб келиши исботланган.

ТХТнинг ривожланиш нуқсонлари бўлган болаларда гипотиреознинг оёқ параартикуляр тузилмаларида кузатиладиган морфологик ўзгаришларнинг янада чуқурлашишига сабаб бўлиши исботлаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** куйидагилардан иборат:

Тадқиқот натижасида яратилган ва таклиф этилган экспериментал гипотиреоз таъсири остида оёқ параартикуляр тузилмаларининг морфологик ўзгаришлари амалий тиббиёт учун таянч ҳаракат тизими туғма нуқсонларини даволашда патогенетик ёндашувга қаратилган янги мезонлари ишлаб чиқилган;

қалқонсимон без функционал активлигининг пасайиши бўғим ёндош элементларининг дифференциаллашувига таъсир этиши морфометрик кўрсаткичлар билан ёритиб берилган;

транзитор гипотиреоз ҳолатининг постнатал онтогенезнинг дастлабки даврларида параартикуляр тузилмаларнинг шаклланишига негатив таъсири динамикада асослаб берилган;

оёқларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари натижасида оёқ статикасининг биомеханик силжишлари иккиламчи деформацияларнинг шаклланиши, айниқса, нуқсонли тараққиётнинг гипотиреоз фонидида кечишида морфологик ўзгаришларнинг нисбатан чуқурлашиши исботлаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, биокимёвий, гистокимёвий усулларни баҳолаш ва статистик таҳлил усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифини такомиллаштириш бўйича олиб бориш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация иши илмий жиҳатдан гипотиреознинг турли муддатларида параартикуляр анатомик тузилмаларининг шаклланиши билан боғлиқ назарий маълумотларни кенгайтириш, она организмидаги гипотиреоз ҳолатининг авлодда транзитор тарзда, шунингдек, постнатал онтогенезда ўсаётган организмга бевосита тиреоид статуснинг пасайиши ҳамда улар таъсирида пай – апофиз комплексининг шаклланиши ва кейинчалик ёш давларидаги ривожланиш механизмлари очиш, мушак пайларининг қалқонсимон без функционал активлигининг пасайишига сезувчанлиги морфологик ва морфометрик ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, оёқларда шаклий ўзгаришларнинг ривожланишига ҳомиладорлик пайтидаги гипотиреоз ҳолати, шунингдек, туғилгандан кейинги тиреоид статус пастлигининг таъсири хусусида морфофункционал мезонлар ишлаб чиқиш, экспериментал гипотиреознинг антинатал ва постнатал давларда коррекция қилиниши шаклий ўзгаришларнинг яққол кўзга ташланишининг олдини олиш имкониятларини яратиши, ҳамда экспериментал гипотиреознинг давомийлиги ортиб бориши билан мушак пайлари ва суяк апофизларининг дифференциаллашуви бузилишининг тўғри пропорционаллигини баҳолаш тизими яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларининг морфофункционал тавсифи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Оёқ соҳасининг ортопедик деформацияларида гипотиреоз таъсирида ривожланишининг парартрикуляр тузилмаларини патоморфологик баҳолаш» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 8н-р/387-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома оёқ соҳасининг ортопедик деформацияларида қалқонсимон без функционал фаоллигининг пасайиши таъсири остида барча параартикуляр тузилмалар (мушаклар ва уларнинг пайлари, мушакларнинг апофизларга

бирикиш жойлари фиброз тоғайи)нинг дегенератив-дистрофик ўзгаришларининг дағаллашиб кетиши ва деформациянинг янада кучайишини аниқлаш ва бошқа морфологик ўзгаришлар билан дифференциаллаш имконини берган;

«Экспериментал гипотиреозда суяк-пай комплексининг морфофункционал хусусиятлари» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 28 декабрдаги 8н-р/388-сон маълумотномаси) Мазкур услубий тавсиянома экспериментал гипотиреоз таъсирида суяк-пай комплексининг барча қисмларида (пай, фиброз тоғай, суяк усти пардаси, эндхондрал суякланиш) негатив морфологик ўзгаришлар келиб чиқиши ҳамда бу ўзгаришларнинг суяк деформациясига олиб келишини фундаментал асослаш имконини берган;

параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотериоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифи бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика патологоанатомик илмий–амалий маркази, Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 8н-д/215-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ўсаётган организмда ТХТ аъзоларининг патоморфологик ўзгаришларини коррекциялашда, улардаги постнатал ўсиш ва шаклланиш жараёнларини бошқаришда, морфофункционал бузилишларнинг олдини олишда, шунингдек, тизимнинг нуқсонли ривожланиши ҳамда вужудга келиши мумкин бўлган деформациялар прогнози ва профилактикасида, ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ҳамда асоратларни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фан доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 196 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва

амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларнинг морфофункционал тавсифининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий муаллифларнинг ушбу муаммонинг назарий жиҳатлари бўйича адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган ва қалқонсимон безнинг функционал морфологияси ҳақида даврий маълумотлар, скелет мушак пайлари ва уларнинг суякка маҳкамланиш жойларининг морфофункционал тавсифи, экспериментал гипотиреозда организм аъзо ва тўқималарида кузатиладиган ўзгаришлар, оёқларнинг туғма ривожланиш нуқсонлари оқибатида параартикуляр тузилмаларнинг ўзгаришлари ҳамда постнатал ривожланиши ва шаклланишининг хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар тизимлаштирилган. Ушбу муаммоларнинг ечими топилмаган, аниқлаштирилиши лозим бўлган жиҳатлари белгиланган ва уларни ечиш учун тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги асосланган.

Диссертациянинг «**Параартикуляр тузилмаларнинг шаклланиши ва гипотиреоз таъсиридаги ўзгаришларини морфофункционал баҳолашнинг материал ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва услублари батафсил баён қилинган. Иш, дастлаб, учта гуруҳга ажратилган 68 та лаборатор каламуш ва улардан олинган авлод - 7, 14, 30, 45 ва 60 кунлик ёшлардан иборат 324 та каламушларда бажарилган. Экспериментлар «Экспериментлар ва бошқа илмий мақсадлар учун ишлатиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш Европа конвенцияси»га (Страсбург, 1985) тўлиқ амал қилинган ҳолда ўтказилган. Ҳайвонлар 7 та гуруҳга ажратилиб; уларни соғлом онадан туғилган соғлом каламушлар (назорат, n=45), соғлом онадан туғилган гипотиреоз чақирилган авлод (n=47), гипотиреоз онадан туғилган транзитор гипотиреоз аниқланган авлод (n=46), гипотиреоз онадан туғилган гипотиреоз чақирилган авлод (n=46), гипотиреоз онадан туғилган L-тироксин берилган авлод (n=48), гипотиреоз чақириб, ҳомиладорликда L-тироксин берилган онадан туғилган авлод (n=45), гипотиреоз чақириб, ҳомиладорликда L-тироксин берилган онадан туғилган гипотиреоз чақирилган авлод (n=47) ташкил этди.

Назорат гуруҳига она ва бола каламушларга наҳорга оч қоринга, муддатга боғлиқ ҳолда 1 мл миқдорда дистилланган сув берилди. Экспериментал ҳайвонларни наркоз остида декапитация қилиш туғилганидан кейинги мос муддатларда бажарилди. Тадқиқот объектлари сифатида қалқонсимон без тўқимаси, параартикуляр тузилмалар (мушак пайлари, бойламлар, фасциялар ва суяк апофизлари) олинди. Ишда комплекс морфологик текширув услублари қўлланилди, шу жумладан, анатомик, умумгистологик, морфометрия, кутбли нур микроскопия усуллари қўлланилди.

Гистологик тадқиқотлар учун каламушларнинг қалқонсимон безлари, оёқларининг бўғим ёндош тўқималар комплекси ажратиб олинди. Параартикуляр комплекс, асосан, мушак, пайлар, пай тутқичлари, бўғим ташқи бойламлари, суяк апофизлари ва уларга ёпишган пайлар билан биргаликда ажратилди. Олинган бўлакчалар 10 % ли нейтрал формалинда 7 кун давомида қотирилиб, сўнгра 1.5-2 соат давомида спиртнинг ўсиб бориш ўткирлигидаги эритмаси (50%, 70%, 96%, ва 100%) орқали сувсизлантирилиб, парафин қуйилди ва 5 – 6 микрон қалинликда кесимлар тайёрланди. Олинган кесимлар гематоксилин – эозин, пикрофукцин ёрдамида Ван Гизон усулларида бўялиб, шунингдек, гистокимёвий бўяш усулларида толуидин кўки ва ШИК-реакцияси қўлланилди. Ярим юпқа усулда кесимларни олиш учун ЛКВ III (Швеция) ультрамикротомидан фойдаланилди. Тайёрланган қуйма ўткир пичоқ воситасида турли бурчакли тўртбурчак шаклида йўнилиб, ускунага ўрнатилди. Шишадан тайёрланган учбурчакли пичоқларга махсус ваннача қотирилиб, паст тезликда серияли юпқа кесимлар олинди. Пай тўқималари фиброархитектоникасини аниқлаш учун қутбланган нур ёрдамида текширилди. Ушбу усул бириктирувчи тўқима толали тузилмаларнинг икки томонлама нур синдириш хусусиятига асосланган (Wolman M., Kasten F.H., 1986). Қутбланган нур ёрдамида микроскопик текшириш 1-10 мкм қалинликдаги бўялмаган гистологик кесимларда ўтказилди. Гистологик кесимлар морфометрик текширилди, Морфометрик тадқиқотлар “Axiovision” (Россия, Узоқ Шарқ) дастурида қайта ишланди.

Тадқиқот давомида пай қини бириктирувчи тўқимасидаги шаклланган (қоллаген толалар) ва шаклланмаган тутамларининг нормометрик муносабатлари, эластин толалари ва кўрув майдони бирлигида фибриоцит ядролари миқдори саналди. Назорат учун олинган гистологик препаратларда худди шу кўрсаткичлар ёш даврларида динамикасига солиштириб борилди.

Тадқиқотлар натижасида олинган морфологик маълумотлар Pentium IV компьютерида Microsoft Office Excel-2012 дастурли статистик ишловлар функцияси ўрнатилган пакети воситасида олиб борилди.  $P \leq 0,05$  бўлганда, фарқлар ишонарли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг «**Экспериментал жониворларнинг назорат ва гипотиреозда тиреоид статуси ва минераллар алмашинувининг функционал ва морфологик баҳоланиши**» деб номланган учинчи бобида экспериментал гипотиреоз жониворларнинг қалқонсимон беги морфологик ва морфометрик текшириш натижалари ҳамда қон зардобиди тиреотропин ва тиреоид гормонлар миқдорини аниқлаш асосида экспериментал гуруҳлар баҳоланган. Шунингдек, параартикуляр тузилмалар ривожланишига таъсир этувчи минераллар алмашинуви таҳлил қилинган. Унга кўра, ҳомиладорлик вақтида тиреоид статуси коррекция қилинган оналардан туғилган авлодда эксперимент давомида минераллар кўрсаткичлари III гуруҳ каламушлар (транзитор) дан бирмунча яхшилангани, лекин меъёрий кўрсаткичлардан пастлиги қайд этилди. Суякланиш маркерлари (ИФ ва  $\beta$ -СТХ) да эса,

аксинча, кузатувнинг дастлабки оёи давомида (7-30- кунлар) ҳар иккала кўрсаткич, мос равишда,  $5,79 \pm 0,008$  ва  $0,75 \pm 0,006$  гача пасайиши аниқланди.

Гипотиреоз ҳолати ҳомиладорлик давомида коррекция қилинган оналардан туғилган авлодда постнатал даврда мерказолил юборилганда, гипотиреознинг нисбатан чуқур кечиши минераллар алмашинувида ҳам ўз аксини топди. Са- $1,88 \pm 0,007$  дан  $1,73 \pm 0,006$  гача, Р- $1,7 \pm 0,008$  дан  $1,42 \pm 0,007$  гача ва Mg- $0,77 \pm 0,005$  дан  $0,59 \pm 0,006$  гача камайиши кузатилса, ишқорий фосфатаза  $4,92 \pm 0,008$  ( $P \leq 0,001$ ) гача ҳамда суяк резорбция маркери даражаси ҳам  $0,54 \pm 0,005$  гача ( $P \leq 0,001$ ) камайиши ишонарли дея баҳоланди.

Диссертациянинг «**Соғлом онадан туғилган соғлом ва гипотиреоз чақирилган авлодда параартикуляр тузилмаларнинг морфологик ўзгаришлари динамикаси**» деб номланган тўртинчи бобида пай, бойлам ва пай-апофиз комплекси толали тўқима структураларининг кузатув даврларидаги морфологик ва морфометрик маълумотлари ёритилган.

Макроскопик жиҳатдан бўғим ёндош тузилмалар энди туғилган каламуш оёқларида функционал дифференциялашган, лекин биомеханик юклама етарлича эмаслиги учун териости ёғ қатламига ёпишган ипчалар шаклида кўринади. Суяк апофизлари оҳиригача шаклланмаганлиги бўғимларда тўлақонли ҳаракат бажарилмагани билан боғлиқ. Бўғим ташқи бойламлари, унинг халтасига ёпишиб кетганлиги аниқланди. Бўғим атроф синовиал чўнтаклари девори ўзаро битиб турганлиги, яъни синовиал бўшлиқ шаклланиб улгурмаган.

Пай тўқимаси препаратларида ўзаро параллел йўналган толали тузилмалар аниқланди. Алоҳида тутамлар орасида сийрак бириктирувчи тўқима хошиялари кўзга ташланади. Унда жойлашган хужайра ядролари марказдан ўрин олиб, ичида 1-2 тадан ядрочалар аниқланди. Пайларнинг суякка бирикиш жойи тоғайдан тузилган бўлиб, тоғай хужайралари – хондробластлар, хондроцитлар ва суяк маркази томонда уларнинг вакуолизацияси кўринади. Тоғай матрикси рангсизлиги ГАК нинг тўлиқ зичлашиб олмаганидан дарак беради. Дастлабки ҳафта давомида оёқ бўғимлари ёндош тузилмалари жадал дифференциаллашуви кузатилиб, биомеханик юкламанинг ортиб бориши билан жараён янада тезлашади. Ҳаракат диапазонининг ортиши натижасида юмшоқ тўқимали тузилмалар морфологик шаклланишининг жадаллашуви, ўз навбатида, суяк апофизларининг яққол кўзга ташланиб боришига сабаб бўлади. Кузатувнинг 14-кунидан пай тўқимасида хужайра элементларининг жойлашиши ўзига хос. Энг кўп тарқалган хужайра популяцияси коллаген толалар орасида ва сийрак бириктирувчи тўқимадан иборат эндо- ва перифенониумда жойлашган фиброцитлар ҳисобланади. Мазкур хужайралар популяциясида ёш ва етук фиброцит, шунингдек, юмалоқ-овал ядро ва йирик цитоплазмага эга бўлган ёш ва етилган фибробласт хужайралари аниқланади. Тадқиқотнинг 30-кунида соғлом каламушларда коллаген тутамлари анча дифференциаллашиб, унга мос равишда, эндоперитенониумда ҳам эластик толалар ва етук фиброцитлар қатламига эгаллиги аниқланди. I ва II тартибдаги коллаген тутамлари орасида туташган белбоғ шаклида тола алмашинувлар ривожланган. Перитенониумда

ҳужайралар занжири ички (коллаген яқинида) сатҳ бўйлаб зич жойлашган. Коллаген толалар жойлашувининг юқори зичлиги ва уларнинг турли тартибдаги тутамларга бирикиши каламушларда пайнинг мазкур муддатда чидамлилигини акс эттиради. Уларнинг мустаҳкамлигида алоҳида коллаген толаларнинг тўлқинсимон конфигурациялари ҳам аҳамиятга эга. Пикрофуксин билан реакцияда морфологик етилиш жараёни бўйича тўқимада коллаген анизотропияси аниқланади, бунда анча етилган коллаген тутамлар пай периферияси бўйлаб ҳамда тутамларнинг марказий қисмида коллагеннинг етилган шакллари, унинг ёш изошакллари билан алмашади. Аксарият тутамлар фиброз тоғайга яқинлашган сайин юпқалашади ва унинг толали скелетига чегарасиз қўшилиб кетади, баъзи толалари фиброз тоғай зонасида ҳар томонга йўналтирилган архитектоникага эга, пайни тортиш чизиқларига мос бориб, энг яхши тараққий этган марказий етук тутамлари пай ўқи вектори бўйлаб апофизга йўналган. 45 кунлик каламушлар фиброз бойламларида толаларнинг дағаллашиб, ундаги томирли тузилмалар зичлигининг аҳамиятли камайиши кузатилди. Тутамлар орасида макрофаглар томирларга яқин соҳаларда учрайди. Пай препаратларида олдинги кузатув даврларига нисбатан динамик ўзгаришлардан, асосан, коллагеннинг барча тартиблари аниқ ажралиб, улар орасидаги СБТ элементларидан эластик толаларнинг анча яққоллиги кўзга ташланади. Харт бўйича пай кесимлари селектив бўлганда эластик толалар ингичка анастамозловчи тўр кўринишида эндо – ва перитенониумда, шунингдек, коллаген толалар ёнида жойлашади. Кузатувнинг 60-кунига келиб, параартикуляр тузилмаларда деярли дифференциаллашув жараёни яқунланаётган манзарани кўриш мумкин. Пайларнинг мушак охири аниқ тартибдаги тутамлар ва алоҳида қопламлар ҳосил бўлган. Апофизар охирида эса аста-секин толали тоғай тузилмаси билан алмашилиб бориши кузатилди. Апофизга яқинлашгани сари хондробластлар сони камайиб, хондроцитларда вакуолизация аниқланди. Суяк матрикси томонидан бўшлиқ зоналар пайдо бўлаётгани эндхондрал суякланишдан далолат беради.


Демак, пайнинг апофизга ўтиш қисми толали тоғайдан иборат бўлиб, даставвал, суяк усти пардаси толали тузилмалари билан, сўнгра эса суяк матриксига давом этган шарпей толаларига давом этади.

Соғлом онадан туғилган авлодда постнатал даврда чақирилган экспериментал гипотиреознинг 7-кунидан кейин пай қопламлари бўйлаб фибробластлар колония ҳосил қилиб тўшалиши кузатилади. Фиброцитлар қаторида лаброцит ва гистоцитлар талайгина учрайди. Кузатувнинг 14-кунида ҳам анологик ўзгаришлар аниқланди. Коллаген толали зич бириктирувчи тўқима тутамлари ифодаланмаган тўлқинли тузилиш ҳосил қилган. Тола тутамлари йўналиши тартибсиз кўриниш олган. Гипотиреоз моделининг 30-кунида зич бириктирувчи тўқимадан тузилган коллаген тутамлари энди I-III тартибларга ажралиши кузатилди. Тутамларни ажратиб турувчи СБТдан иборат эндотенониумда сийраклик янада ортган, яъни ҳужайралар популяцияси ҳам назорат билан солиштирилганда анча сийрак, эластин ривожланишининг ҳам сустлиги кузатилди. Коллаген тутамлари



тартиблари орасида толалар алмашилиши ҳам ҳали аниқланмади. 45 кундан кейин пайларда шиш белгилари кучайди. Хужайралар атрофида кенг оптик бўш зоналар аниқланди. Хужайралар орасида шиш суюқлиги билан тўлган кўплаб майда ва алоҳида йирик бўшлиқлар ҳосил бўлади. Баъзи хужайраларда: цитоплазманинг тиниклашиши (ёришиши), хужайралар деформацияси ва лизисга учраши каби дистрофик ўзгаришлар ривожланади. Апоптоз кўринишидаги фиброцитлар учрайди. Пайларда ГАГ тақсимланиши таҳлилида сульфатланган фракцияларининг нисбатан кам миқдорда таъминланганлиги аниқланди. 60 кундан кейин пай тўқималарида етилмаган хужайраларнинг оғир дистрофик ва деструктив ўзгаришлари аниқланди. Пай хужайралари сони ва ўлчамлари камайиб, шиш суюқлиги босими оқибатида деформацияланган.

Соғлом онадан туғилган, лекин гипотиреоз чақирилиши натижасида пайларнинг шаклланган тутамлари (коллаген толалар) ва шаклланмаган толали бириктирувчи тўқиманинг ўзаро муносабатлари, эластин толалари ва фиброцитлар ядросини кўрув майдони бирлигида санаш мақсадида ўтказилган морфометрик таҳлиллар натижаси 1-расмда келтирилган.



**1-расм. Соғлом онадан туғилган соғлом ва гипотиреоз чақирилган авлод гуруҳларининг пай тўқимаси қиёсий морфометрик кўрсаткичлари**

Морфометрик кўрсаткичлар динамик йўналиши, умумий қараганда, ҳар иккала гуруҳ натижаларида анъанавий камайиб бориши кузатилса-да, ёш даврларида алоҳида таққосланганда ҳар учала кўрсаткичда статистик ишонарли фарқни кўриш мумкин ( $P \leq 0.05$ ). Айниқса, экспериментнинг 45-60 кунларида ўзаро фарқ кескин ортиши кузатилади (масалан, кузатувнинг 45-кунларида назорат гуруҳида фиброцитлар ядроси  $24,6 \pm 0,04$  бўлса, гипотиреозда  $19,4 \pm 0,05$ ни ташкил этади).

Диссертациянинг «**Экспериментал гипотиреоз онадан туғилган авлодда параартикуляр тузилмаларнинг морфологик ривожланиш**

**хусусиятлари»** деб номланган бешинчи бобида гипотиреоз фонида ҳомиладорликни ўтказган онадан туғилган авлодда параартикуляр тузилмалар толали тўқималари морфологик ҳолатлари ва морфометрик кўрсаткичлари ўрганилган.

Янги туғилган каламушларда ҳаётининг 7-кунида фиброз тузилмаларда нозик толали элементлар ва бетартиб жойлашган хужайралар популяцияси аниқланади. Мушак пайлари эса коллаген толалардан тузилган зич фибробластлар ва қопловчи эндо – ва перитонениум сийрак бириктирувчи тўқимасидан тузилганлиги кузатилди. Етилган фиброцитларнинг камлиги коллаген тутамлар ҳамда эндо – ва перитонеумнинг СБТсидаги эластик толаларнинг энди ривожланиш жараёнида эканлигини кўрсатади. Пайларнинг апофизга бирикиш жойларида коллаген толаларнинг фиброз тоғайга алмашиниши суяк апофизига жуда яқин жойлашиб, апофиз тоғайи худди эмбрионал тоғайни эслатади. Экспериментал тадқиқотнинг 14-кунида олинган материалларда фиброз бойламлар ва пай тўқимаси дифференциаллашуви унчалик ёрқин эмас. Буни мазкур давр мобайнида каламушлар гипотиреод она сути билан озикланишда давом этгани билан боғлаш мумкин. Шунинг учун ушбу жониворларда организмнинг ўсиб-ривожланиши, хусусан, ПАТнинг шаклланишини баҳолашда меъёрий биомеханик таъсирдан ташқари, яна икки омил: гипотиреоз таъсирида кечган ҳомиладорлик ва гипотиреоз таъсирида озикланишларни ҳисобга олиш лозим. 30- кузатув кунида гипотиреоз онадан туғилган авлодларда коллаген тутамлари ҳамда эндо-, перитонениумдаги эластик толалар ва фиброцитлар колониялари кўринади. I ва II тартибдаги коллаген тутамлари тола алмашинувлари ҳали ривожланмаган. Перитонениумда хужайралар занжири сийрак бўлса-да, ички девори бўйлаб йиғила бошлаган. Ушбу гистологик ўзгаришлар биомеханик юкламанинг ортиб боришига жавобан толали тузилмаларнинг шаклланиши ижобий томонга, гипотиреоз таъсирида ортда қолган тараққиёт эса ҳануз тормозловчи аҳамиятини акс эттиради. Кузатувнинг 45-кунида каламушлар фиброз бойламларида толаларнинг нисбатан етилганлиги ва оралиқ СБТ қатламларида томирли тузилмаларнинг мўътадиллашуви кузатилди. Пай препаратларида олдинги кузатув даврларига нисбатан динамик ўзгаришлардан, асосан, коллаген тутамлари орасидаги боғланишлар вужудга келганини кўриш мумкин. Улар орасидаги ва устидан қопловчи сийрак бириктирувчи тўқима элементларидан етук фиброцитлар ва эластик толалар миқдори кўпайгинлиги аниқланди. Пай кесимларини Харт бўйича селектив бўйаш натижасида СБТ тузилган эндо – ва перитонениум таркибидаги эластик толаларнинг тўрланиши аниқланди. Пай-апофиз комплексини ўрганиш натижасида апофизга йўналувчи тутамлар ҳажмининг камлиги, минераллашган тоғай зонаси нисбатан сийраклиги ва оч бўйланлиги аниқланди. Тоғай хужайралари овал шаклли, цитоплазма билан бойган, думалоқ ядроли ва жуфт-жуфт бўлиб жойлашган. Пай ва толали – тоғай тўқималари орасидаги чегара мавжуд, лекин аниқ ифодаланмаган. ПАК марказий чегара соҳасида фиброз тоғай зонасида томирли тузилмалар ривожланган. 60-кунга келиб, ПАТларда дифференциаллашув жараёнининг

анча жадаллашувини кўриш мумкин. Пайларнинг тутамлар тартиби шаклланган, СБТдан тузилган эндо- ва перитенониумлари бир-бири билан боғланган. Лекин эластик толалар ўзаро чатишиши ифодаланмаган. Апофиз бирикиш зоналарида толали тоғай чегара чизиғи нотекис траектория ҳосил қилган.

Демак, гипотиреоз чақирилган каламушлардан туғилган авлодда ПАТнинг шаклланиш жадаллиги кузатувнинг дастлабки ҳафталари давомида анча суст, 45-, 60- кунларига келиб, нисбатан жадаллаши аниқланади. Бундай ҳолни ҳомила ривожланиш жараёнида гипотиреознинг салбий таъсири ҳамда постнатал онтогенезнинг эрта даврлари давомида авлодда мавжуд транзитор гипотиреоз ҳолатининг ножўя самараси деб қараш мумкин. Транзитор гипотиреоз таъсири постнатал ривожланишни маълум пайтгача тормозлайди, тахминан постнатал ривожланишнинг 2 оyi давомида биомеханик юкламанинг ортиб бориши, функционал адаптация ва индивиднинг мустақил ҳаёт муҳитининг самараси ўлароқ ижобий томонга нисбатан силжийди.


Гипотиреоз онадан туғилган авлодда постнатал гипотиреоз чақирилганда ҳаётининг фақат 7-кунида ПАТ ҳудди олдинги (транзитор) гуруҳ билан ўхшаш морфологик манзарани кўриш мумкин. Кузатувнинг 14-кунида толали тузилмаларда СБТ сатҳи кенгайиши шиш аломатларини англатади. Коллаген толали зич бириктирувчи тўқима тутамлари тартиблари эмбрионал изошаклларни эслатади. Толалар тутамлари йўналиши тартибсиз кўриниш олган. Кузатувнинг 30-кунида зич бириктирувчи тўқимадан тузилган коллаген тутамларининг I-III тартибларга ажралиши кузатилди, лекин етилмаган тутамлардан иборат. Тутамларни ажратиб турувчи СБТдан иборат эндотенониумда сийраклик янада ортган, яъни ҳужайралар популяцияси ҳам бошқа гуруҳлар билан солиштирилганда сийрак, эластин ривожланиши ҳам сустлиги кузатилди. Кузатувнинг 30-кунидан кейин шиш жадаллигининг қамрови кучаяди. Оптик бўшлиқлар пайнинг ҳамма ҳужайралари атрофида, тола структуралари атрофида шиш суюқлиги билан толаларнинг сийраклашиши аниқланди. 45-кун гистологик тузилишда олдинги кузатув даврларидан чуқурроқ ўзгаришлар, яъни пайлардаги шиш қамрови сезиларли ортиб, ҳужайралар атрофидан бутун СБТ бўйлаб тарқалган. Пай тўқимасининг гистокимёвий текширишлар натижасида гипотиреоз таъсири ўлароқ, ШИК позитив реакция ўчоқларининг кўпайиши ҳужайралар занжири атрофи бўйлаб грануляциялар кузатилади. Бу ҳол нейтрал полисахаридларнинг толали тузилмалар бўйлаб кенг ёйилишидан далолат беради. Нордон полисахаридлар эса камчиликни ташкил этиб, толуидин кўки билан бўялган препаратларда унга бўлган реакциянинг тартибсизлиги, периферия бўйлаб сусайиши аломатлари аниқланади. Экспериментнинг 60-кунидан кейин гипотиреозда умумий морфологик ўзгаришларга пай тўқималарида етилмаган ҳужайраларнинг оғир дистрофик ва деструктив ҳолатларини келтириш мумкин. Пай толалари орасида пай ўқи йўналишида ҳужайралари сонининг кескин камайиши аниқланди.

Гипотиреоз чақирилган онадан туғилган постнатал даврда фармакологик коррекция қилинган авлодда тажрибанинг 14-кунида олинган

